
Пенсионер фуқарода қачон жамғарилган пенсия маблағларини олиш учун асос пайдо бўлади?

Пенсионер фуқарода қачон жамғарилган пенсия маблағларини олиш учун асос пайдо бўлади?

Пенсия жамғармасининг ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган фуқарода давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келганлиги тўғрисидаги маълумотлар фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиши учун асос бўлади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари Пенсия жамғармасининг ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган фуқарода давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келганлиги тўғрисидаги маълумотларга асосан бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

Ногиронлиги бўлган шахс белгиланган муддатда қайта кўриқдан ўтмаса, пенсияси тўхтатиладими?

??????? Ногиронлиги бўлган шахс узрсиз сабабларга кўра, қайта кўриқдан ўтиш учун тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бормаган бўлса, унга пенсия тўлаш тўхтатиб турилади.

Тўхтатилган пенсия қачон қайта тикланади?

Ногиронлиги бўлган шахс қайта кўриқдан ўтиб, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб тан олинган тақдирда тўхтатиб турилган кундан эътиборан, лекин кўпи билан бир ой олдин пенсияни тўлаш қайта тикланади.

Бу қандай тартибда амалга оширилади?

???? Қайта кўриқдан ўтиш муддати узрли сабабга кўра ўтказиб юборилганда, агар тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси уни ана шу даврда ногиронлиги бўлган шахс деб топса, пенсия тўлаш тўлов тўхтатиб турилган кундан эътиборан то қайта кўриқдан ўтиш кунигача, лекин кўпи билан 3 йил учун амалга оширилади.

Қайта ногиронлик белгиланган вақтда шахс бошқа гуруҳга ўтказилса, тўхтатилган даврда пенсия тўлаш қандай амалга оширилади?

Бунда, агар ногиронлиги бўлган шахс қайта кўриқдан ўтказиш чоғида ногиронликнинг бошқа гуруҳига (юқори ёки паст гуруҳга) ўтказилган бўлса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

2024-05-29 09:45:28